

FALSAFA VA MILLIY G'OYA

ИБН АЛ АРАБИЙНИНГ “ВАХДАТУЛ-ВУЖУД” ТАЪЛИМОТИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Соҳибназар Каримов,

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, фалсафа фанлари доктори

Аннотация: Мазкур мақолада Шарқ тасаввуфий тафаккури тарихида муҳим ўрин тутган мутафаккир Муҳйиддин Ибн ал Арабийнинг “Ваҳдат ул-вужуд” концепциясининг шаклланиши ва моҳияти ўзига хос услубда ёритилган. Ибн ал Арабийнинг зиддиятли илмий ҳаёти ва ваҳат ул вужуд концепциясининг нақшбандия тариқати учун асос бўлиб хизмат қилганлиги ҳақида фикрлар баён қилинган. Тасаввуф таълимотидаги “ҳақиқий борлиқ Аллоҳдир”, “Ўлмасларингиздан бурун ўлинглар”, “бу оламнинг яратилишидан мақсад” каби Ибн Арабийнинг ғоялари ҳар томонлама ёритилишга ҳаракат қилинган.

Таянч иборалар: тариқат, “ваҳдат”, вужуд, “шухуд”, фано, бақо, билиш, борлиқ, инсон, воҳид, ҳижоб, тақво, вожиб, ирфон.

Аннотация: В данной статье уникальным образом освещены становление и сущность концепции «Вахдат уль-Вуджуд» мыслителя Мухиддина Ибн аль-Араби, занявшего важное место в истории восточной мистической мысли. Обсуждается противоречивая научная жизнь Ибн аль-Араби и концепция вахат уль вуджуд, послужившая основой секты Накшбанди. Идеи Ибн Араби в суфизме, такие как «истинное существование – это Бог», «умри прежде, чем умрешь», «цель сотворения этого мира», попытались всесторонне осветить.

Ключевые слова и фразы: Тарикат, «Вахдат», существование, «Шухуд», Фана, Бака, Знание, Бытие, Человек, Вахид, Хиджаб, Таква, Ваджиб, Ирфан.

Abstract: In this article, the formation and essence of the "Wahdat ul-Wujud" concept of the thinker Muhyiddin Ibn al-Arabi, who played an important role in the history of Eastern mystical thought, is covered in a unique way. The

controversial scientific life of Ibn al-Arabi and the concept of wahat ul wujud served as the basis for the Naqshbandi sect. The ideas of Ibn Arabi in Sufism, such as "the real existence is God", "die before you die", "the purpose of the creation of this world", have been tried to be comprehensively covered.

Key words and phrases: Tariqat, "Wahdat", existence, "Shuhud", Fana, Baqa, Knowledge, Being, Man, Wahid, Hijab, Taqwa, Wajib, Irfan.

Инсоният тарихий тафаккури ўзини куршаб турган оламни англаб етишга интилиб келганлиги билан характерланади. Борлиқ ҳақидаги дастлабки билимлар узук-юлуқ ва бир бирига зид бўлган билимлар йғиндисидан иборат бўлиб келган. Лекин инсониятнинг интеллектуал салоҳияти тўпланган билимларни тартибга солишга системалаштиришга ва уларни классификация қилишга олиб келди. Натижада тасаввуф таълимотида борлиқ ҳақида ўзига хос концептуал йўналиш пайдо бўлди ва бу тушунча тасаввуфда ваҳдати-вужуд, ваҳдати-шухуд ва ваҳдати-мавжуд назариялари сифатида ёритилди.

Ислом дини ислом оламида кучли ягона мафкурага айлангандан сўнг Ҳақ таолонинг ўз хусну, жамоли қудрат ва сифатларни намоён этиш истагини ифодаловчи “ваҳдат ул-вужуд” кучли фикрий таълимот сифатида пайдо бўлди. Ваҳдат ул-вужуд вужуднинг бирлиги маъносини англатиб, Аллоҳдан бошқа борлиқ йўқлигини билиш шуурига соҳиб бўлишдир. Ваҳдати вужуд маслагига кўра, ҳамма нарса тоқ вужуд бўлмиш Аллоҳнинг турли-туман тажаллийлари, зухурлари, тахайюллари ва кўринишларидан бошқа нарса эмасдир. Ваҳдат ул- вужуд моҳияти завқ ила кашф этилиб, яшаш йўли

* Ваҳдат ул-вужуд луғавий маъноси арабча-жисмоний борлиқ. Шарқ мамлакатлари Марказий Осиё,

Ҳиндистон халқлари фалсафий қарашларида кенг тарқалган оқим.

билан билинади, мушоҳада этилади.

Ваҳдат ул-вужуд бирлик ва борлиқнинг бир бутунлигини англатувчи ва абадий ягона Аллоҳгина бор, деб ҳисобловчи таълимот. Бу таълимотга кўра, моддий олам, нарсалар дунёси ҳақиқий эмас, ҳақиқат фақат Аллоҳда мужассамлашган, моддий олам Аллоҳнинг нури шуъласидир. Бу эса бутун борлиқ вужуд ягонадир деган маънони англатиб, Шарқ ислом пантеизмига асосланади.

Ваҳдат ул-вужуд таълимотини тушунишда “вужуд” тушунчаси талқинини англаш муҳим аҳамиятга эга. “Вужуд” сўзи араб тилидаги “важд” сўзидан олинган бўлиб,- ишқ ва муҳаббат, интилиш маъноларини англатувчи сурур ва тажаллийдир. Хужвирий “Важднинг моҳиятини изоҳламоқ имконсиздир. Зеро, важд ҳақиқий кўриш (кашф)даги амалдурки, аламни қалам билан тасвирлашнинг имкони йўқ”, дейди[8;Б.214-215].

Демак, вужуд- мавжудлик, борлиқ. Энг мукаммал шаклдаги важд ҳоли, Ҳаққа етишиш. Солик башарий сифатлардан фоний бўлгач, ҳақ вужудига бирлашади Ибн ал-Арабий талқинида эса, “вужуд”ни “Борлиқ”, “Аллоҳ таолони топмоқ”, “Унинг жамолини мушоҳада этмоқ” маъноларида англаган. Шундай экан, Парвардигор вужуд билан сифатлангандир. Парвардигор вужуднинг айнан ўзидир.... яъни, Аллоҳ мавжуддир ва оламдаги бор нарса мавжуд эмас, [9;Б.429] дейди Ибн Арабий.

Бундан вужудга муҳтож бўлган барча нарсалар алоҳида вужудлар эмас, балки Мутлақ вужудга таълуқли экан, деган хулоса чиқади.

Биз эътибор қаратаётган Ибн Арабийнинг ваҳдати ул вужуд назарияси ўзининг қадимги Юнонистонда Афлотун, (милл.авв.427-347йй) Плотин (милл.авв. 270-204.йй) қарашларига бориб тақалади. Афлотун бутун дунё ҳақиқий борлиқнинг, яъни (ғоялар дунёсининг маҳсули), соясидир[4;Б.46,132] деб қараган бўлса Плотин ҳақиқатни битта ва бирликни бутун борлиқнинг асли ва асосий манбаи деб тушунади. Унингча, барча мавжудод ушбу биринчи мабда (бошланғич жой, нуқтадан) сизиб чиқиб, ниҳоятда унга қайтиб боради[5;Б.20].

Тасаввуф тарихидан маълумки, ваҳдат ғоясини биринчи бўлиб Боязид Бистомий илгари сурган. Бунинг натижасида Бистомий тасаввуфга “сукур”(сархушлик-беҳудлик) тушунчасини олиб кирган. Боязид Бистомийнинг бу қарашлари Мансур Халлож ва Ибн Арабий қарашларга катта таъсир кўрсатган. Чунки унинг таълимотига кўра, инсон зикр ҳолатида ўзлигини унутади. Ва Худо ишқидан маст бўлиб (сукур-беҳудлик) яъни бутун вужудини ҳис-туйғу қамраб олади, пировардида у Худода пано йўқ бўлиб кетади. Бундай ҳолатни у фано (мавжудликни йўқотиш) деб атаб, илк бор бу тушунчани тасаввуфга киритади.

Тасаввуф тарихида биринчи бўлиб ушбу назарияни, кенг тарқатган мутафаккир Ибн Арабий (1165-1240йй)дир. У Аллоҳни барча мавжудоднинг, мўмин банданинг қалби деб билади ва жаҳонда ҳақиқат воқеъликдан ташқари нарсани кўрмайди, ориф ҳар бир нарсани унда кўради, негаки, у бутун нарсаларни қамраб оладиган зарф (ичига нарсалар кўювчи идиш)дир деб таъкидлайди[5;Б.20].

Ибн Арабий ваҳдатул-вужуд фалсафий назариясини ўзининг ҳос услуби асосида изоҳлайди. Ибн Арабийнинг борлиққа оид асарларининг таснифи кўрсатадики, унинг борлиққа умумий таъриф бериш билан бирга унинг кўринишлари бўлган табиат, инсон, жамият ва маънавий борлиқни ҳам таҳлил этган.

Ибн Арабий ўзининг рисолаи вужудия (вужуд ҳақида рисола) асарида борлиқнинг умумий масалаларини ёритган бу категорияни яхлит тизимли ўрганган ва шу масалага оид қарашларни энг мукаммал тасвирлаган. Қизиғи шундаки, Ибн Арабий рисолаи анънавий тарзда Аллоҳга ҳамд ва пайғамбарга айтгандан сўнг асарни ёзишдан мақсад пайғамбар аллайҳиссаломнинг “ким ўзини англаса, Роббисини англайди” деган ҳадиснинг мазмун моҳиятини очиш эканлигини баён қилади. Бу эса Ваҳдониятдан олдин Ўзидан ўзга ҳеч бир олдинлик бўлмаган ва фардониятдан кейин Ўзидан ўзга ҳеч бир кейинлик бўлмаган деган ғояга бўйсиндирилади.

Ибн Арабий борлиқда Аллоҳдан бошқа нарсалар мавжуд эмаслигини ҳар қандай

борлиқ ундан эканлигини шунинг билан бирга унинг ўзи ҳеч бир нарсада бўлмаслигини, уни фақат уни ўзи англашини айтади.

Ибн Арабий борлиқ ва йўқлик масаласини тасаввуфий-ирфоний нуқтаи-назардан таҳлил этган. Кишилар қадимдан ўзларини қуршаб турган табиат ва жамият, инсон ва инсоният ҳақида ўйлар экан, атрофида содир бўлиб турган нарсалар ва ходисаларни, ўзгаришларни кузатишган. Шулар асосида кишиларда мавжудлик, борлиқ ва йўқлик ҳақидаги тасаввурлар, қарашлари вужудга келган.

Умуман олганда Ибн ал Арабийнинг диний, фалсафий дунёқараши анча мураккаб, чигал масала. Зеро унинг фалсафий, ирфоний қарашлари ислом динидаги бирон бир фикхий ва каломий мазҳаб доирасига сиғмайди. Айниқса, унинг ваҳдат ул вужуд ва илоҳий тажаллий назариялари иймон, нубувват ва валоят масалаларига оид қарашлари ҳам аҳли сунна вал-жамоа ва ҳамшиъа йўналишидаги мазҳаблар доирасида катта ақидавий баҳс -мунозаралар ва ихтилофларга сабаб бўлган. Ҳатто унинг мазкур масалаларга оид қарашлари аҳли сунна вал-жамоа йўналишидаги мазҳабларнинг уламолари томонидан танқид қилинган.

Ибн ал Арабийнинг ваҳдати ул вужуд ҳақидаги таълимотларини буюк мутасаввуф алломалар Имом Фаҳр Розий (544-604), “суҳровардий тариқатининг асосчиси” Шаҳобиддин Суҳровардий (539-633), Абу Абдуллоҳ Зикриё Ибн Маҳмуд (605-682), Абдуллоҳ Қорий Боғдодий (вафот 825) каби йирик алломалар қўллаб қувватлаган бўлса, эронлик мутафаккир Аловуддавла Синноний (659-736) ва бошқалар Шайх ул- Акбарнинг ваҳдат ул вужудий қарашлари, жумладан, Ҳақ таолони “мутлақ вужуд” деб аташини қоралаган.

Ибн ал Арабий ислом тарихида бой илмий адабий мерос қолдирган энг буюк мутафаккирлардан бири ҳисобланади. Абулваҳҳоб Шаъроний унинг асарлар сонини 400 дан ортиқ деган бўлса, Абдурахмон Жомий ўзининг “Нафаҳот ул –унс” асарида уларнинг сонини 500 дан ортиқ деб баҳолайди. Ибн ал Арабийдан бой илмий ва

адабий мерос қолган ва бу маънавий мероснинг катта бир қисми тасаввуф ва ирфон, калом, фалсафа, тавсир, тарих ахлоқ ва фикҳ илмларига тегишли.

Таниқли исломшунос олим А.Ш.Жузжонийнинг Ислом Буюк энциклопедияси Ибн ал Арабийни ислом тарихида “Фалсафий ирофе тизими” ёки “ирфоний фалсафа” ёки “Илоҳий ирфоний ҳикмат”нинг энг буюк асосчиси сифатида баҳо беради. Ва уни барча даврларда ирфон соҳасида энг буюк мутафаккир деб ҳисоблайди. Ислом дунёсида бу кунга қадар бир нав унинг тафаккури таъсири остида бўлмаган ҳеч мутафаккир, орифмижоз файласуф топилмайди[5;Б.20] дейишида асос бор. Зеро, ислом фалсафий тафаккурининг кейинги даврларни Ибн ал Арабийнинг таълимотисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ибн Арабийнинг фикрича, “Унинг хижобий Унинг ваҳдониятидир. Унинг хижобидан ўзга бирон бир хижоб Уни тўсолмас. Унинг вужуди ҳам ваҳдониятидирки, бу ваҳдонияти билан У “кайфият” (“қандай”, “қанақа”) га сиғмасдан “сатр” (“яширин”) бўлади. Уни Унинг ўзидан ўзга на пайғамбари мурсал, валийикомил, на малаки мукарраб кўролмас. Унинг пайғамбари Унинг ўзиди, Унинг расули Унинг ўзидир. Унинг рисолати Унинг ўзидир. Унинг каломи Унинг ўзидир. У ўзини Ўзи орқали бирон воситасиз ва ҳар қандай сабабсиз Ўзига юборгандир. Юборувчи, юборилган ва юборилувчи орасида ҳеч қандай тафовут йўқдир. “Сано ҳарфининг вужуди Унинг вужудидан ўзга нарсаси эмасдир. Унинг соноси ҳам номи ҳам ва номлангани йўқдир” [6;Б.70-71].

Шуни ҳам таъкидлаш керакки Ибн Арабий борлиқни тушунтиришда фақат ўзининг айтганлари тўғриси эканлиги, ўзидан олдинги тасаввуфий тариқатларининг ўзликларини англашда тутган йўллари, ҳамда тушунтирган усул ва воситаларни инкор қилади. Мутасаввуф тариқатларда “фано”, “фанонинг фаноси” каби ибора ва ислохотларни ҳатолигини таъкидлаб, уларни тўғри деб тушуниш исломда энг катта гуноҳга олиб келади деб ҳисоблайди.

Борлиқни англашда Ибн Арабий таълимотининг бош ғояси ўзликни англаш ҳисобланиб, мавжудликнинг ҳар қандай

белгилари инсон билан яхлитлик касб этади, ҳар қандай кўплик бирликни ифодалайди. Бирдан бошқа зот бор дейиш гуноҳ яъни ширкдир. Демак, мутасаффунинг фикрича борлиқдаги жамийки ўзгариш ва ривожланиш ва зиддият инсонда мавжуддир. Ибн Арабийнинг бу ердаги буюк хизмати шундаки, у моддият билан руҳиятни мулоқатга кирита олди. У шариат ортида тариқат туришини кўра олди ва бу бирлик инсон руҳий барқарорлигининг тўлиқлигининг асосидир. Бу асос уч бирликда эътиқод, ишонч ва ақл бирлигида намоён бўлади. Ана шу бирлик инсонни Аллоҳнинг англашдек, комиллик даражасига кўтаради. Инсони комилдан юқори бир мукаммал мавжудлик йўқдир. Бу дунёда инсонлар орасида камолга етишмаганлар ҳайвони нотик-улар фақат суратда инсондирлар дейди.

Ибн Арабийнинг бош ғояси бўлган инсонни ўзини англашдаги яхлитлик таълимотида неоплатанизмнинг таъсири сезилиб туради. Чунки неоплатанизмнинг асосий фалсафий мазмуни борлиқ иерархиясининг энг юқори нуқтаси бўлган Яхлитлик ғояси муҳим рол ўйнаган. Бу ғоянинг асосида Платоннинг “Яхлитлик-Ақл-Жон” триадаси ётади. Яхлитлик барча моҳиятларнинг моҳияти бўлиб, ақлни вужудга келтиради. Ақл(нус) жонни (петохе вужудга келтиради). Жон икки кўринишда мавжуд: қуйи жон ва олий жон. Қуйи жон мартерияга интилиб яшайди. Олий жон эса худолар томонидан яратилади. Ақл ва жоннинг биргаликдаги саъий-ҳаракати натижасида олий жон материя исканжасидан халос бўлади. Умуман олганда ваҳдат ул вужуд таълимоти кўпгина Шарқ шоир ва мутафаккирлари ижоди учун маънавий озуқа бўлиб хизмат қилган.

Ибн Арабий таълимоти бўйича борлиқ Ҳақнинг ўз-ўзидан мавжуд кучи. Худонинг абадийлиги борлиқнинг абадийлигини шарҳ қилади. Бунга эса ўз навбатида файласуфларнинг борлиқнинг “ал-ақл ул - аввал” (“ибтидо ақл”) дан вужудга келганлигини рад этади.

Ибн Арабий таълимотида “Ҳақ” (Аллоҳ) истилоҳи турли таърифлар, тавсирлар ва талқинлар билан баён этилади.

У гоҳида “Ҳақ”ни “Ҳалқ” (яратилган мавжудотлар) билан айна бир нарса деб тушунтирса, баъзида Ҳақнинг халқ даражасига таназзул этишини назарда тутди.

Ибн Арабий фикрича, “Аллоҳнинг шериги йўқдир”, тенги бўлмас ва Унга Бас келиб бўлмас. Кимки, бирор нарсани Аллоҳ билан ва Аллоҳдан ва Аллоҳда кўрса, ўша нарса Аллоҳнинг Рухубиятига (Раблигига) мухтождир. У ўша нарсани ҳам Аллоҳнинг рубубиятига мухтожликка шерик қилгандир. Кимки, бирор нарсани Аллоҳ билан ўз-ўзидан бор деса, ёки У билан қоим деса, ёки ўз вужудидан ёки фаносидан фоний деса у ўзини англашнинг ҳаддидан баҳраманд бўлмаган. Кимки, Ундан ўзга мавжудлик бор деса, ўзича бор деса, ўз фаносида фоний бўлади деса ва фанони фанога боғласа, бу ширк устига ширкдир. У ўзини англамагандир, балки у мушрикдир. У на Аллоҳни ва на ўзини танигандир[6;Б.70-71].

Тасаввуф таълимотида ҳақиқий борлиқ бу Аллоҳдир. У оламни ташкил этади. У бор ва бақодир. Биз яшаб турган моддий олам кўринадиган оламдир. У аслида мустақил мақомга эга эмас, чунки у аниқ мақсадни кўзлаб яратилган. Бу одамнинг яратилишидан мақсад Аллоҳнинг бемисл кудратидан дарак бериш, унинг абадий эканлигидан огоҳлантириб туришдир. Ибн Арабийнинг таъкидлашича оламнинг пайдо бўлиши Аллоҳ ўз моҳиятини кўриш учун ўзини ошкор этишдир. Бунинг сабаби “ёруғлик ғами” Аллоҳ ўзини танитишни, исмларни билдиришни хоҳлаган ва оламни яратишдан мақсад шудир деб таъкидлайди.

Ибн Арабий назарида инсон бу ижоднинг юксак тимсолидир, чунки ҳеч бир мавжудодга ато қилинмаган неъматлар – сезги аъзолари, ақл-заковат, зукколик инъом этилган. Улар орқали Яратганнинг моҳияти хайру эҳсони, карами, мислсиз неъматлари инсон руҳиятига нур каби сингиб боради.

Ибн Арабийнинг бақо ва фано тушунчасига кўра, нариги дунё абадий, бу дунё эса фоний дунёдир. Инсон абадий дунё умидида яшамоғи, бу дунё икр-чикирларига ўралашиб қолмаслиги, ғафлат ва ғофилликни тарк этиши, вақтинча ҳузур ҳаловатлар, ҳою-ҳаваслар илинжида, инсонни ёмонликдан завқлантирадиган нафс-нафсиаммора

тузоғига тушиб қолмасдан Аллоҳ амрига бўйсиниши лозим бўлади. Фано бўлиш ибораси, аслида солиҳларнинг ўткинчи ҳаёт ташвишларидан озод бўлишини, маънавий ақлий покланишни, илоҳий амрни тўла-тўқис ва бажонидил бажаришни билдиради.

Ибн Арабий “ўлмасларингиздан бурун ўлинглар, “мен нафлар орқали менга яқинлашаётган бандани севаман. Севдимми унинг қулоғига, кўзига ва кўлига айланаман....”, “албатта мўмин мўминнинг ойнасидир” [7;Б.48] каби ҳадисларни ҳам келтириб уларда Аллоҳдан ўзга борлиқ ёки вужуд йўқлигига ишора эканлиги баён қилинган.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, Ибн Арабийнинг “ваҳдат ул

вужуд” назарияси шу қадар катта қизиқишларга сабаб бўлар эдики, у тўғрисидаги мунозаралар, тортишувлар араб диёридаги ғоя тушунчалар ўртасида қандай бўлган бўлса, Марказий Осиёдаги уламо ва мутасаввуф-сўфийлар орасида ҳам шундай бўлди. Шу билан биргаликда нақшбандия тариқати намоёндалари Хожа Муҳаммад Порсо Бухорий, Хожа Аҳрор Валий, Абдурахмон Жомий ва Маҳдумий Аъзам Даҳбидийлар томонидан Ибн ал Арабийнинг “ваҳдат ул-вужуд фалсафаси”даги ирфоний ғояларнинг нақшбандияда тасаввуфий таълимот даражасига кўтаришга ҳаракат қиладилар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Муҳйиддин Ибн ал Арабий. Ал Футухот ул-Маккия. 4-жилд-Байрут. “Дар содир”.
 2. Муҳаммад ибн Муҳаммад Тоҳири Ироқий. Рисолаи Қудсия Хожа Порсо. – Техрон: Таҳурий, 1354. .
 3. Комилов Н. Тасаввуф. Тавҳид асрори.-Тошкент. Ёзувчи. 1999.
 4. Йўлдошев С., Усмонов М., Каримов Р. Қадимги ва ўрта аср Ғарбий Европа фалсафаси. –Т.:Шарқ. 2003, 46-132 бетлар.
 5. Абдулҳаким Шаръий Жузжоний. Тасаввуф ва инсон. Т.: Адолат, 2001. 20-бет.
 6. Болтаев Абдурахим Аманович. “Муҳйиддин ибн Арабийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари мавзусидаги 09.00.03- Фалсафа тарихи мутахассислиги бўйича фалсафа фанлари доктори (DSc)диссертацияси. Бухоро, 2023.70-71 бетлар.
 7. Давлатов Олим. Ибн ал Арабий ва унинг ваҳдат ул-вужуд фалсафаси. –Тошкент. Фан, 2008, 48-бет.
 8. Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. - Тошкент, “Мовароуннаҳр” нашриёти, 2004. 214-215-бетлар.
- Ибн Арабий “Ал Футухот ул-Маккия”асарида. 3-жилд. 429-бет.

ТАДБИРКОРЛАР МОДДИЙ МАНФААТЛАРИНИНГ ҒОЯВИЙ-МАФКУРАВИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ЕЧИМЛАРИ

Холмирзаева Манзура Абдимуратовна,
Термиз давлат университети мустақил тадқиқотчиси

Аннотация: Ўзбекистон халқи мустақилликка эришган кунидан бошлаб тадбиркорликни мамлакатни ривожлантиришнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи сифатида эътироф этди.

Мақолада тадбиркорлар моддий манфаатларининг ғоявий-мафкуравий хавфсизликни таъминлашнинг назарий ва амалий ечимлари ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: Тадбиркор, бизнесмен,